

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МАҲСУЛОТЛАР СОТИШ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши
1-бетда).

деҳқон бозорларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини улуғржи харид қилиш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар билан шартномалар тузиш, шу жумладан, Фьючерс шартномалари тузиш бўйича ташкил этилган савдо-харида қорхоналари ишини фаоллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқсинлар;

икки ой муддатда бозорларнинг раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказсинлар, унинг натижалари бўйича бозорларнинг номуносиб ва ўз оғбурини туккан раҳбарларини эгалаб турган лавозимларидан қатъиян равишда бўлатсинлар, бунда уларнинг бозорлар маъмурияти таркибидagi бошқа лавозимларда қолганишга йўл қўймасинлар;

бир марталик йиғини ва курсатилган хизматлар учун туловларни ундириб олувчи турғун пунктларнинг зарур даражада ишлашини таъминласинлар, бунда ҳар 500 сотувчиға (савдо ўрниға) битта пункт туғри қилиниши, шунингдек уларнинг касса аппаратлари билан таъминланганлиги назарда тутилсин;

«Ўзавтотранс» корпорацияси ҳудудий ташкилотлари ва «Тошшаҳарйўловчигранс» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати бош бошкармасининг ҳудудий органлари билан биргаликда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини деҳқон бозорларига етказишнинг мавжуд йўналишларини қайта қўриб чиқсинлар ва зарурият бўлганда бунинг учун қулай бўлган йўловчи ташвиш ва юк автотранспортлари қатновининг янги йўналишларини ташкил этсинлар.

Ушбу бандни бажариш юзасидан амалға оширилган ишлар тўғрисида 2000 йил 15 июлға Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

3. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бевосита уларни етиштирувчилар томонидан деҳқон бозорларига белгиланган тартибда ташиб келтирилиши ва сотилиши борасида бирон-бир чеклашлар таъқиқлансин. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини уларни етиштирувчилар томонидан бозор ҳудудига эркин ташиб келтирилишига ва сотилишига тўқтинлик қилинган бозорларнинг мансбдор шахслари қонун ҳужжатлариға мувофиқ жинсий жавобгарликка тортилганга ҳа ҳалол берадилар.

4. Белгиланган қўйилсинки, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини жинсий шахслар томонидан республика ташкарисига чиқариш божхона органлариға маҳсулотни олиб кетувчи шахс паспортини, юқининг божхона декларациясини ва фитосанитария сертификатини қўрсатган ҳолда амалға оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг Ракси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2000 йил 22 июнь.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни

ДИЛИМГА ЯҚИН ИНСОН

Бундан йигирма йиллар олдин матбуот деб аталган, эзгулик уруғи сочилган маскан остонасини илк бор ҳатлаганман. Ортимда турна қатор қадамлар бор эди.

Ушлардан бири остана хатлади, бири ортга қайтди, қай бири асосатда қолди. Уша мен йиллаб излаган масканим Юқоричирчиқ туманидаги «Суръат» газетаси остонаси эди. Бу ердаги юрагимға яқин кишилардан бири эса, маъзур газета муҳаррири ўринбосари Иноғом ака Холтурсунов эди. Бу инсон мени илк бор ижод майдонига етказиб қирган. Неча йиллардан бери Иноғом ака билан ҳамдард ва ҳамнафас бўлиб келмоқдамиз.

Мақтаб ўқувчини эдим. Газетага илк бор қизим келганида, оддийгина хабарни ҳам эгалаб ёзиш қўлимдан келмасди. Ушанда Иноғом ака ўз хонасига бошлаб қириб, журналистика сирларини ҳижжалаб ўргатган. Кейин-кейин кичик хабарлар ёза бошладим. Газета юзини қўрган ҳар бир мақоладаги камчиликлар Иноғом ака назаридан қочиб қўтулмасди. Бир чимдим ютукни қанотида олиб ўчган сатрларини ўқиганда эса, ёш боладек хурсанд бўлиб кетарди. Елкамға қокиб:

Фидойиларимиз

— Ҳали ҳаммаси олдинда, ҳали бундан ҳам зўр ёзиди-ган бўласан, — дея юрагимға қувонч уруғини сочарди. Киши ҳаётида устознинг ўрни алоҳида бўлади. Ўзбекда «Устознинг зўр бўлсин» деган гап ҳам бекорга айтилмаган. Иноғом Холтурсунов ҳам бир неча йиллар раҳматли Раҳим Довутбеков, Маҳкам Турсуновлар билан бирга ишлаб, ижод сирларини улардан ўрганди. Айниқса, Раҳим Довутбековдан қаламқашликнинг энг нозик қирралари: рост ёзиш, мавзу танлаш ҳамда масаланинг моҳиятига

етишни ўзининг мақола, лавҳа, репортаж, очеркларни ёзишдан аввал аҳолини синчиқлаб билишни ўрганди. Умр оқар сувдек экан. Дўппини олиб бундай ўйлаб қарасак. Иноғом Холтурсуновнинг журналистика соҳасидаги меҳнат фаолиятига ҳам салкам ўттиз беш йил бўлиб қолибди.

— Журналистиканинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, — дейди И. Холтурсунов. — Бу ишда шовша-шошарлик кетмайди. Етти ўлчаб бир кесиш керак. Чўнки кимнидир танқид қиламиз, кимнидир мақтаймиз. Энг муҳими — адолатли қарор топтиришға уринамиз.

Ҳар сафар «Суръат» — «Қарқин» муҳарририятиға қириб бормганимда, устозим Иноғом Холтурсунов билан албатта суҳбатлашиб қайтаман. Чўнки, у киши менинг юрагимға яқин бўлган энг олижаноб инсон бўлиб қолган. Омад ва эзгулик сизни сира тарқ этмасин, устоз!

Латифжон МАНСУРОВ,
Юқори Чирчиқ тумани,
Кавардон қишлоғи.

Ҳамкасбимиз ижодидан ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

● Инсонда виждон, уят, ор-номус бўлмаса, у ҳар қандай пасткашликларға қўл уриши мумкин. Виждонға итоат қилиб, унга бўйсиниб яшаган киши доим кўнгилсизликлардан ҳоли бўлади.

● Дунёда ота-она учун аламли бир ўқинч бор. Уни на дўстга, на душманға айтолмайди. Бу ўқинч фарзанднинг ноқобил бўлишидир.

● Дунёда одамлар борки, зиддият бор. Агар одамлар орасида зиддият бўлмаганда, балки ҳеч қандай ўқинч, тирикчилик учун жонини фидо қилиб қўрашмасди. Ҳаётнинг ҳам, тирикчиликнинг ҳам қизғин қолмасди. Ҳа, ҳаёт бу тириклик учун қўраш демакдир.

● Ариқдаги лойқа сув, булутли ҳаво, қовоғи солиқ одам ҳеч қачон инсон кўнглини равшанлаштирмаган.

● Жаҳолат устида кўнгилсиз бир иш қилиб қўйиб, кейин афсус-надомат чекиб юргандан қўра, ҳар қандай қалтис шариғатда ҳам ўзини тутта билган кишини мард деса бўлади.

Тўғрун ЖУРАЕВ,
меҳнат фахрийси, жамоатчи
муҳбир. Тошкент тумани.



Вилотимизда чоп этилаётган туман газеталари орасида «Давр овози» ўзининг материаллари пишк-пукталиги, хозиржавоблиги, долзарблиги билан ажралиб туради. Газета саҳифаларида Қибрай туманининг ижтимоий, иқтисодий ҳаёти ўз аксини топиб келаяпти.

СУРАТДА: (ундан чапга) «Давр овози» газетаси бош муҳаррири Абдуҳамид Фозилов, муҳбирлар Халмурод Раббанов, Дилорам Абибуллаевалар билан суҳбатда.

Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.

Касида

БИТГАН ҲАР САТРИГА ЖОДИР ЮРАГИ

Ҳақ сўзни айтмоқлик мўдом ташвиш,
Юрт кезиб ўтади ёз билан киши,
Одамлар раҳмати — олган олқиши,
Битган ҳар сатрига жодир юраги,
Яхшиликни ёзиш эзу тилаги.

Унга ҳар дам йўлдош иймон, диёнат,
Қаламига сира қилмас ҳиёнат,
Бир ажиб сўз топса — жонига роҳат,
Битган ҳар сатрига жодир юраги,
Яхшиликни ёзиш эзу тилаги.

Гоҳида кечалар билмайди ором,
Оқ қоғоз сирдоши, энг эзу қалом —
Сатрлар тўқилар унга субҳу шом,
Битган ҳар сатрига жодир юраги,
Яхшиликни ёзиш эзу тилаги.

Яхшиликни қўрса яйраб кетади,
Булбулгўёдек сайраб кетади,
Ёмонликни қўрса қайнаб кетади,

Қўйма сатрларни битмоққа қодир,
Эзулик уруғи дилига жодир.

Қўмдан қасрларни қўрмаган сира,
Яхшини ошириб турмаган сира,
Ёлғонни яшириб юрмаган сира,
Қўйма сатрларни битмоққа қодир,
Эзулик уруғи дилига жодир.

Элиниг шодликлари унгадир байрам,
Қалам тебратмади доимо бардам,
Бир сатрим дилларга бўкса дер маҳкам,
Қўйма сатрларни битмоққа қодир,
Эзулик уруғи дилига жодир.

Истиқлол йўлида нур сочган чироғ,
Қалами чарчланган, илҳами қайноқ,
Журналист номига туширмасдан доғ,
Битган ҳар сатрига жодир юраги,
Яхшиликни ёзиш эзу тилаги.

Темур УБАЙДУЛЛО.

ТЎҒРИ СЎЗНИ ЁҚТИРАДИ

Йиллар ўтди. Журналистик касбини мукамил эгалаб олган Эсон Қосимов «Янгийўл» газетасида, сўнг Сирдарё ва Чиноз матбуотида ишлади.

Муҳбирликда халққа кенг танилган Эсон Қосимов «Тошкент оқшом», «Қишлоқ ҳаёти», «Тошкент ҳақиқати» газеталарида халол меҳнат қилди. Ҳақ йўлидан бориб мукамил мавзуларға қўл урди. Адолатни ҳимоя қилди. Унинг ҳақ-хуқуқ борасидаги қўллаб танқидий ва адолатга қорловчи йирик мақолалари қиқиб турарди. Тиним билмас меҳнатқилиғи, одамларға яхшилик қилишлари, савоб олишлари ёқарди. У орамизда бўлмаса-да, ҳаммиса хотирамизда. Илоҳо, руҳи шод бўлсин.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Бадий
академияси
санъатшунослик илмий-
тадқиқот
институтининг илмий
ҳодими.

Муштарий мактублари Янги Рўқ ОЧИЛСА

Ўзим санъат шайдоси бўлганим учун газета саҳифаларида санъаткорлар, санъатимиз муаммолари ҳақидаги мақолаларни синчиқлаб ўқийман. Вилотимизда ёш истеоддорлар ниҳоятда кўп. Ҳар йили мунтазам бўлиб ўтадиган «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» кўрик-танловида ўнлаб янги номлар пайдо бўлади. Вилотимиз маданий ҳаёти газета саҳифаларида бундан ҳам тўлиқроқ акс этса, бунинг учун алоҳида рўқ ташкил этилса, кўнгилдагидек иш бўларди.

Ҳар бир касбнинг ўзига хос мураккаб томонлари, фахрли нуқталари бор. Журналист ака-опаларимизни касб байрамлари билан табриқлайман. Насиб этса, энг яхши қўшиқларим билан шу кўни уларнинг дилини ҳушуд этиш ниҳатидан.

Малоҳат НАБИЕВА,
вилот эстрада
хонандалари кўрик-
танлови ғолиби.
Қибрай тумани.

ТИЛАГИМ ШУКИ...

Касбим новвой бўлгани учун, қорхонамизда тайёрланиб, дўконларға борган нонларни олган харидор «Мунча сингил» пишибди» деган сўзларини эшитганимда, бир олам қувониб кетаман. Худди шундай, эрталаб газета дўконларидан хали босмаҳона бўёгининг хиди кетмаган газеталарни олиб, ўз ишидан мамун бўлиб турган журналистларни тасаввур қилсам дилимға илиқ бир туйғу қўнади.

Ҳар бир касбнинг ўзига яраша инжиқликлари бор. Журналист таъбир жоиз бўлса ҳам новвой, ҳам қорвадор, ҳам деҳқон, ҳам ҳайдовчи, ҳам шифокор бўлиши керак. Яъни мана шу касблардан, уларнинг сир-асроридан озми-кўпми хабардор бўлса, ёзган ҳар бир мақоласини тўлақонли, пишк-пукта чиқади.

«Тошкент ҳақиқати» газетасида кейинги пайтларда мушоҳадали мақолалар анча кўпайди. «Ҳомий топган билан иш битмайди», «Деҳқоннинг қўли пул қўрса» каби материаллар фикримнинг далилидир.

Бир тилагим, имкон қадар иқтисодиёт мавзусидаги материаллар яна ҳам кенг қамровли бўлса қани эди. Чўнки иқтисодиёт ва маънавият бу ҳаётимизнинг икки устундир. Бирини қўқларға кўтариб, бирини эътибор бермаслик асло мумкин эмас. Вилотимиз журналистларини байрам билан қўтлар эканман, уларға «қаламингиз сира ҳам толмасин», дейман.

Равшан ОКБЎТАЕВ,
Бўқа тумани.

Мутахассис тавсия этади

БИР ВАҚТЛАР газеталарда «Мутахассис масалаҳати», «Мутахассис тавсия қилади», «Бунга амал қилинг» руқнлари остида олимлар, қишлоқ ҳўжалиги мутахассисларининг мақолалари тез-тез бериб туриларди. Кейинги йилларда қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштириш юзасидан ибратли ишлар амалға оширилмоқда. Меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари жорий этилди. Деҳқонға мустақиллик, эркинлик берилди. «Унга ўргатишнинг кераги йўқ», «Деҳқон қиладиган ишини ўзи яхши билади» деган гаплар пайдо бўлди. Бунда ҳам жон бор. Лекин вилотимиз далаларидаги бугунги вазият: пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги зараркундаларининг зиён келтириш ҳавфи қучайиб бораётганлиги деҳқонларға ўз ишини пукта биладиган мутахассисларнинг масалаҳати, албатта, зарурийлигини таъкидлаётган. Шунинг хисобига олиб, биз, Ўзбекистон Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг қуйидаги мақоласини беришни зарур деб топдик.

ҚИШНИНГ бирмунча қуруқ қилиши, баҳор ойларида эса ёғингарчиликнинг оз бўлганлиги қишлоқ ҳўжалиги зараркундаларининг анча эрта ривожланиб, қўлайлиги имкон туғдирмоқда. Хусусан, шира, трипс, қуғи тулғам, ўргимчаккана, мевали дарахтларға тушадиган олма қурти, қалқондорлар, қартошқанин қушандаси қо-

ригача давом этади. Айниқса, бу ҳашарот ривожланишдан орақда қолган гўза ниҳолларига катта пўтур етказди.

Июнь ойининг биринчи ўн кўнлиги охири ва иккинчи ўн кўнлиги бошидан эса қўсақ қурти қапалаклари ёппасига учиб юради, туҳум қўяди.

Зараркунанда ҳашаротлар кўпроқ бегона ўтларда, эртаги сабзавот далаларида учрайди ва тарқалади.

Мазлумки, уларға қарши курашнинг икки усули бор: ҳам биологик, ҳам кимёвий. Қай бири афзал? Аввало, зараркунандаларнинг қўлайлиги йўл қўймаслик учун экинларға вақтида ишлов бериш талаб этилади. Таъсир тизорқ бўлиши ва иқтисодий жихатдан афзаллигини

хисобига олиб, биологаторияларда тайёрланган ҳашарот қушандалари: трихोगрамма ва браконлардан фойдаланиш мақсадға мувофиқдир. Бунда пайкалларда қапалакларнинг учуш муддати ва улар гўза пайкалларига қай даражада ёйилганлиги хисобига олинади. Мутахассисларнинг тавсияси ва қўрсатмаси асосида қўсақ қуртининг феромонларидан кенг микёсда фойдаланиш зарур.

Гўзада қапалак туҳуми пайдо бўлиши билан ҳар беш кўн оралайтиб, уч мартаба: бир гектар майдонда бир грамм, дарахт трихोगрамма қўйиб юборилади. Агар гўзада урта ва катта ёшдаги қуртлар учрай бошласа, зудлик билан бракон 5-7 кўн оралайтиб, уч марта қўйилади. Айрим ҳолларда ҳар юзта тулға 8-10

тадан ортиқ қурт пайдо бўлса, кимёвий усул билан уларға қарши курашмиш фойда беради. Хусусан, суми-альфа, фьюри, фенпропратин дорилари ишлатилади. Ҳар гектар улардан тайёрланган суяқлик мутахассисларнинг тавсияси ва назорати остида сепилади.

Хозирги кунда барча даладарда, сабзавот пайкалларидан гўза пайкалларига ёппасига ўта бошлади, тезлик билан ривожланибди. Бу ҳолни, айниқса, Оққўрғон, Янгийўл, Уртачирчиқ, Бекобод ва бошқа туманларда кўпроқ кузатиш мумкин. Шунинг учун ўргимчаккана тарқалиш ҳавфи мавжуд бўлган даладар атрофи гектарига 25-30 килограмм олтингургурт билан қангалатилиши, ёки оҳақ-олтингургурт қайнатма-

ган гап. Шунинг учун ҳам зарарланган майдонларни аниқлаб, зудлик билан кимёвий ишлов беришни бошлаб юбориш талаб этилади. Шунингдек, бундай пайкалларға мочевинанинг 1,5 фоизли эритмаси сепилса ҳам мақсадға мувофиқ иш бўлади.

Ўргимчаккана бегона ўтлардан, тут дарахтларидан гўза пайкалларига ёппасига ўта бошлади, тезлик билан ривожланибди. Бу ҳолни, айниқса, Оққўрғон, Янгийўл, Уртачирчиқ, Бекобод ва бошқа туманларда кўпроқ кузатиш мумкин. Шунинг учун ўргимчаккана тарқалиш ҳавфи мавжуд бўлган даладар атрофи гектарига 25-30 килограмм олтингургурт билан қангалатилиши, ёки оҳақ-олтингургурт қайнатма-

си эритмасини пурқаш тавсия этилади.

Ўргимчакканаға қарши кураш олиб бориладиган кимёвий дориларни алмаштириб ишлатишға эътибор бериш лозим. Сабаби — зараркунанда авлодларида бу дориларға нисбатан қўйиш ҳусусияти пайдо бўлади. Шунинг хисобига олган ҳолда дори турлари алмаштириб турилиш шарт. Бу йилги шариғат биринчи навбатда қанаға таъсир этадиган махсус дорилардан фойдаланиш зарур.

Вилотининг бир қанча ҳўжаликларида май ойида олма қуртининг биринчи авлоди қуртчалари гўмбакка айланганлиги кузатилди. Демак, июнь ойининг бошларидан олма қуртининг иккинчи авлоди қапалаклари учиб қичди. Мевали бос-

ларда бундан ташқари олча узун буруни, олча аррақаш ва қуяларнинг қўлайиши ҳосилға катта зиён етказиши турган гап. Қисқаси, деҳқоннинг, богбоннинг оқидида ҳосилни асраб қилиш учун зараркунандаларға ўз вақтида ва таъсирчан курашишдек муҳим вазифа турпти. Ўйлаймизки, улар бу вазифанинг уйдасидан чиқадилар. Ҳашаротға қарши курашнинг энг таъсирчан, самарали усулларидан фойдаланиб, мўл ҳосил тўплашға эришадилар.

Мурод РАШИДОВ,
Ўзбекистон
ўсимликларни ҳимоя
қилиш илмий-тадқиқот
институти директори,
биология фанлари
номзоди.

